



Фарғона ҳақиқати

Саховат инсоният боғининг мевали дарактидир, балки у дарактининг фойдали мевасидир.
Алишер НАВОЙЙ.

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

http://farhaqiqat.uz/

t.me/farhaqiqati

2021 йил 16 апрель, жума

№ 32 (24525)

Фарғона замини ҳақида гап борганда, уни улкан, серҳосил бир боққа қиёс этишади. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимиздаги боғ майдонларининг бешдан бир қисми вилоятимизда бўлиб, ҳар йили мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Фарғоналиклар СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА БОҒЛАР ЯРАТМОҚДА

Куванинг анори, Олтиариқнинг узуми, Риштоннинг қантқўриғи, Бувайда-нинг анжирини бир татиб қўрган ҳар қандай одам авваламбор бу замин саховатига, қолаверса, фарғоналик уста боғбонларнинг меҳнати ва маҳоратига албатта қойил қолади.

Шуниси диққатга сазоворки, кейинги пайтда вилоятда янги боғ-роғлар кўпайиб, ширин-шакар меваларни етиштириш ҳажми ортиб бормоқда. Жорий йилдан бошлаб эса, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам боғлар яратишга киришилди. Хусусан, Сирдарё вилоятидан бир минг гектар ер майдони ажратилди. 80 нафар талабгорлар Сардоба, Боёвут, Ховос, Гулистон ва Мирзаобод туманларида ер майдонларини ўрганиб, деҳқончилик қилиш истагини билдирди. Ёзёвон, Қўштепа, Қува, Тошлоқ ва Риштон туманларидан 35 нафар боғбонга ер майдони ажратилди.

— Боёвут туманидан 86 гектар ер олиб, боғ қилишни бошладик, — дейди қувалик Эркинжон Тошпўлатов бизга телефон суҳбати чоғи. — Анор, олма, гулош, шафтоли кўчатларини экиш ҳаракатидамыз. Айни кунларда ерларни экинга тайёрлаш жараёни кетмоқда.

Ҳозирги кунда 593 гектар ерда боғ ташкил этиш учун ер тайёрлаш ишлари олиб борилаётган. Сирдарё вилоятида фарғоналикларнинг меҳнати билан боғ-роғлар кўпайиб, элимиз дастурхони сархил мевалар билан тўлади.

М. СУЛАЙМОНОВ.

Инновация: ҒЎЗА ҚАТОР ОРАСИДА СОЯ ПАРВАРИШЛАНАДИ

Бу йил Фарғона вилоятида 25 минг гектар майдонда пахта билан бирга соя етиштирилади. Ўзига хос инновация сифатида баҳоланган агротехник тадбир бир вақтда соя ва пахта ҳосили олиш имкониятини беради.



Ёзёвон туманида бу борада иш олиб бораётган ташаббускор фермерлар кўп. “Элёр-Н” фермер хўжалиги янги усулда деҳқончилик қилишга киришди. Айни кунда 16 гектар майдонга пахта уруғлари билан бирга соя экилди. Фермер ғўза ва соя парваришlash технологияси билан яхши таниш экан.

— Ушбу усул ер, сув, минерал ўғит ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини беради, — дейди фермер Элёрбек Назиров. — Чунки соя ғўза қатор ораларига, аниқроғи ғўза ниҳолларининг ўртасига қадалади. Шу боис, уни қўшимча озиклаштиришга ҳожат йўқ. Ғўза парваришига сарфланган ресурслар ҳисобига соя уни-ўсиб, ҳосил беради. Фермер бир гектар ердан ўртача 35-40 цент-

нердан пахта ҳосили олиш билан бирга, 500-600 килограмм қўшимча ҳосил — соя дони етиштиришни мўлжаллаб турибди. Бир килограмм соя донини 10 минг сўмдан сотган тақдирда, ҳар гектарига 5-6 миллион сўм миқдорда даромад кўшилади.

Айтишларича, соя дони таркибида 50 фоиз оқсил, 28 фоизгача мой бўлиб, озиқ-овқат саноатида муҳим хом ашё ҳисобланади. Ундан совун, лок-бўёқ, пластмасса, плёнка ишлаб чиқаришда, кимё, тўқимачилик саноатида кенг фойдаланилади. Соядан шрот, кунжара олинади. Яшил пояси чорва учун тўйимли озук.

— Мавсумда тумандаги 1587 гектар майдонда чигит ва соя уруғи қадалади, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Дилшод Камолетдинов. — Бу



мақсадлар учун 5 та махсус сеялка жалб этилган. Улар бир вақтнинг ўзида чигит ва уруғлик сояни санаб, оралатиб экади. Жойларда аралаш экиннинг афзалликлари, етиштириш технологияси хусусида кўргазмалар семинарлар ўтказилди, зарурий қўлланмалар берилди. Чунки соя ўсимлиги биологик хусусиятига кўра, жой танламайди. Шўрланган, ер ости сув сатҳи кўтарилган экин майдонларида ҳам ўсаверади. Энг муҳими, у ернинг ҳолатини яхшилайди, тупроқни азот билан бойитилади.

Ғўза қатор орасида соя етиштириш деҳқон ва фермер хўжаликлари иктисодиёти учун ҳар тарафлама фойда келтиради.

Расулжон КАМОЛОВ.
Шерзод ҚОРАБОВЕВ олган суратлар.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши ҚАРОРИ

2021 йил 13 апрель VI-XXX/153 Фарғона шаҳри

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЎТТИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

I. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдаги ўттизинчи сессияси 2021 йил 16 апрель кунини соат 10:00 га чақирилсин.

II. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича биринчи ярим йилликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан вилоят ҳокими Х.Х.Бозаровнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашига Мурожаати ҳақида.
2. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” “Ешларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили” да вилоятда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тасдиқланган вилоят Давлат дастури”ни 2021 йил 1-чорак ижроси ҳақида.

3. Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йил 1-чорадаги ижроси ҳамда 1-чорак якуни бўйича шакланган қўшимча манбалардан фойдаланиш йўналишлари ҳақида.

4. Бошқа масалалар.

Кенгаш раҳбари Х.БОЗАРОВ.

Ўрганиш нималарни кўрсатди?

Кувасой шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия жараёни қандай ташкил этилганлигини ўрганиш мақсадида ҳудуддаги 5-умумий ўрта таълим мактабда бўлиб, у ерда биз орзу қилиб интилаётган Янги Ўзбекистонга умуман муносиб бўлмаган, эски бинада эски услубга ўраллашиб, “осмондан чалпақ кутаётган” муассасани кўрдик. Аввало, педагогларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам маънавияти абгор, улар ўқиб, меҳнат қилаётган мактаб биноси, ундаги шароитлар ҳам инчунун.

570 ўринли маъмур мактабда 595 нафар ўқувчи ўқийди. 36 нафар ўқувчининг фақат бир нафари олий таълим, 6 нафари 2-тоғли педагоглар, шунингдек, 5 нафар ўрта махсус маълумотга эга ходимлар ҳам ишлайди. Мактаб ҳудудига кириб келишингиз билан мунғайиб турган ўқув биналарига кўзингиз тушади ва мактаб таълим-ниҳоллаштиришга қаратилган қўлаб-қўлдоқ, саъй-ҳаракатлардан анча четда қолган дарғоҳда ўқувчиларга билим бериш сифати ҳам орқада, деган ҳаёлга борасиз.

Таълим сифатини аниқлаш мақсадида 11-синф ўқувчилари ўртасида фандар лар кесимида тест синовлари ўтказилганида 24 нафар ўқувчининг

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий “Дунёда турмоқ учун илм лозимдур. Дунёвий илм-фандан бебаҳра миллат йўлига маҳкумдир. Илм олмаган, китоб ўқимаган фарзандларимиз бизнинг қурбонликка берган болаларимиздир”, деган сўзларида ўз истиқболини ёш авлод камолоти билан боғлаган миллат учун гоят долзарб масалага урғу берилганини англаймиз. Таълим муассасалари, хусусан, мактаб таълимининг бугунги кун ҳақида ўйлаганимизда ушбу ҳикматнинг моҳиятига етиб боролмаётганимиздан огринамиз.

бир нафари 20 фоиз натижа кўрсатди, қолган ўқувчиларнинг билимсизлиги яққол кўриниб қолди. Киме фандан ўтказилган тест жараёнида ҳам мактабнинг 9-“Б” синф ўқувчилари билим самарадорлиги 29, 3 фоиз эканлиги аниқланди.

Мактаб деганда, ўқитувчини назарда тутамиз. Аммо унинг билим савияси, маҳорат кўрсаткичи паст бўлса, муассасанинг аҳоли ҳам шундай бўлади. Ўрганишлар чоғида билими синовдан ўтказилган 3 нафар оина тили ва адабиёт фани ўқувчиларининг бир нафари кўрсатган натижа қониқарли бўлди, холос, биологика фани ўқитувчилари кўрсатган натижа ҳам 30 фоиздан қаландор.

Кувасойдаги 5-мактабда ўтказилган

мониторинг натижасида мактаб иш режасига асосан ўқувчиларнинг олган билими ва унинг самарадорлигини ўрганиш бўйича ички мониторинг ўтказилиши, педагогик кенгашда муҳокама қилиниши белгиланган бўлса-да, фақат 5-6-7-синфларда ўрганилган, юқори синфлардаги ўқувчиларнинг бу кўрсаткичи аниқланмаган. Мактабда 23 та синф бўйича ўқувчилар рейтингини мавжуд, бироқ унинг “чўққи”сида бошланғич синфдагилар, 9-10-11 синф ўқувчилари эса энг куйидаги ўринларда туришибди. Бундан ташқари, 1-чоракда режалаштирилган очик дарсларнинг 15 тадан ортиғи, 3- чоракда белгиланган мавзудан бўйича бирорта очик дарс ўтилмаган.

Мактаб кутубхонасидаги аҳвол

ҳам қониқарли эмас. Китобхонлик тарғиботи, мутолаага эътибор кўча чапиратиш, кўча супуриш ва шу қаби бошқа ишлар натижаси сўралган, ўша пайтда муаллимлар орасида «болалардан овоз қилиб қўйсангиз, ҳамма ишни бажарамиз», деган истехзоли гаплар уричган вақтлар ўтди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шахсан эътибори билан тизимга “ўқитувчи ўзининг ишини қилсин”, деган ғоя қайтди. Лекин ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам дарс

жараёнларида сифатни қандай ошириш борасида фикр, тушунчага эга эмас.

Бир фурсат олдин “Фарғона ҳақиқати” газетасида Кувасой мактабларидаги муаммоларнинг таҳлилига бағишланган танқидий мақола эълон қилинган, унда тизимдаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш ҳақида бонг урилган эди. Хайратки, мактаб ҳоҳлатхонасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган экан. Бироқ, таълим-тарбия сифати борасида вазиятни ўнглашга уринишларнинг натижаси кўринмади. Ҳудуддаги 29-умумий ўрта таълим мактабиде ҳам ана шундай оғрикли муаммолар кўндаланган турибди.

Таълим сифати тугулади, мактаб фаолиятини изоҳ қилишга ким қодир? Мактаб директорими, маҳаллами ёки

ҳокимияти?

Ҳокимият тизимларининг ислохоти бўйича Президент ўз Мурожаатномасида айтган. Масалан, эндиликда ҳокимлар маҳаллий кенгашларга ҳисобот бериши керак. Лекин мактабни ҳокимиятдан ажратиб бўлмайди. Таълим сифати ўқитувчидан талаб қилинса, муассасада ўқиш ва ишлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳокимият ҳам масъул. Шаҳардаги мактабларда ечинини кутаётган муаммолар фақат директорнинг лоқайдлиги оқибати эмас, шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими мутасаддиларининг “қўриб кўрмасликка олиш”, “бизга бўлаверди” қабилида иш тутатгани натижаси эмасми?

Кувасой мактаблари таълим ва тарбия сифатида салбий таъсир этаётган оғриқ ва муаммолардан тез фурсатларда қутулиши, мактаб таълимига бугунги замон руҳига мос кайфият кириб бориши зарур.

Мамлакатимиз, хусусан, вилояти-мизнинг ҳар бир мактабиде билим ва тарбия, маънавият ошёни, деган қутлуғ номга муносиб ишлар адо этилсагина, миллат юксалади. Янги Ўзбекистонни яратишга, уни гуллаб-яшнашига қодир авлод камолга етади.

Энахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.



Ангела Меркель Германия канцлерликдан кетмоқчи

Ангела Меркель Германия канцлери сифатидаги фаолиятини яқунлаш ниятида эканлигини ОАВга маълум қилган. Навбатдаги парламент сайловлари Германияда жорий йил сентябрь ойида бўлиб ўтади. 2018 йилда Ангела Меркель бу мuddат унинг учун сўнгиси бўлишини эълон қилган эди. Шунингдек, у ҳўкмрон “Христиан-демократик иттифок” партияси раҳбарлигига ҳам ўз номзодини илгари сурмаган.

Меркель 2005 йил 22 ноябрда Германия канцлери этиб сайланган ва ушбу лавозимдаги биринчи аёл бўлди. 67 ёшли сиёсатчи партиани 2000 йилдан, ҳўкуматни 2005 йилдан буён бошқариб келмоқда.



Жанубий Кореяда Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди

Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонаси Корея — Ўзбекистон Бизнес ассоциацияси билан ҳамкорликда Жанубий Кореяда ёдгорлик ва ҳайкаллар ясаш бўйича етакчи саналган «Malong Company» компанияси вакиллари билан буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳайкалининг яратиш борасида амалий ишларни давом эттирмоқда, деб хабар бермоқда «Дунё» АА муҳбири.

Айни пайтда ҳайкалнинг макети тайёр қилинган бўлиб, эндиликда уни бронзадан ясаш ишлари бошланади.


— Дунё халқлари адабиётининг буюк намояندаси Алишер Навоий сиймосини яратиш шарафига муяссар бўлаётганимдан жуда ҳам хурсандман, — дейди Жанубий Кореядаги етакчи ҳайкалтарошлардан бири Парк Кён Дал. — Чунки Навоийдек улуг зот ҳайкални яратишни ҳар бир ҳайкалтарош орзу қилади.

Парк Кён Далнинг маълум қилишича, Алишер Навоий ҳайкали май ойининг бошларида тайёр бўлади.

БАА сайёҳлар учун талабларни кучайтирди

Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа Амирлиги маъмурияти чет элликлар учун мамлакатга кириш талабларини ўзгартирди. Унга кўра, 18 апрелдан бошлаб мамлакатга кириш учун 3 кун олдин амалга оширилган “COVID-19” учун тестдан ўтганлик ҳақида ҳўжжат талаб қилинади.

Ҳўжжат қоғоз шаклида араб ёки инглиз тилларида тақдим этилиши ва таҳлил аккредитацияланган лаборатория томонидан ўтказилган бўлиши шарт. Бундан ташқари, саёҳатчилар БААга етиб келганларидан сўнг яна “COVID-19”га тезкор тестдан ўтиши ва натижа чиққунча ўзини изоляцияга олиб туриши талаб этилади.



Қувасой: МАКТАБ ТАЪЛИМИДАГИ ОҒРИҚ ВА МУАММОЛАР

Хўжжати тизимларининг ислохоти бўйича Президент ўз Мурожаатномасида айтган. Масалан, эндиликда ҳокимлар маҳаллий кенгашларга ҳисобот бериши керак. Лекин мактабни ҳокимиятдан ажратиб бўлмайди. Таълим сифати ўқитувчидан талаб қилинса, муассасада ўқиш ва ишлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳокимият ҳам масъул. Шаҳардаги мактабларда ечинини кутаётган муаммолар фақат директорнинг лоқайдлиги оқибати эмас, шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими мутасаддиларининг “қўриб кўрмасликка олиш”, “бизга бўлаверди” қабилида иш тутатгани натижаси эмасми?

Кувайт собиқ бош вазири хибсга олинди

Кувайт тарихида биринчи марта суд собиқ бош вазир ва ҳўкмрон шайхнинг оила аъзоси Жобир ал-Муборак ал-Ҳамад ас-Сабоҳини қамоққа олиш тўғрисида қарор чиқарди. Собиқ бош вазир харбий во-сита-ларни талон-тарож қилиш ва пора олишда айбланмоқда. ОАВнинг хабар беришича, шайх Жобир ҳамда собиқ мудофаа ва ички ишлар вазири Ҳолид ал-Жаррах ал-Сабоҳ ўзларига нисбатан эълон қилинган айбловларни инкор этди. Лекин суд, ҳўкмрон шайх оиласининг аъзоси бўлишига қарамай, шайх Ҳолидининг овоз этилишининг оиласида қўйилди. Кейинги суд мажлиси 27 апрель кунини ўтказилади.



Афғонистондан хориж қўшинлари чиқиб кетади

АҚШ президенти Жо Байден мамлакатдаги қатор террористик ҳўжумларнинг 20 йиллигига — 11 сентябрга қадар АҚШ қўшинларини Афғонистондан олиб чиқишини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, НАТО қўшинлари ҳам Афғонистондан чиқиб кетади. Буюк Британия ҳам АҚШ маъмуриятининг ушбу қароридан сўнг Афғонистондан даярлик барча қўшинларини олиб чиқишини эълон қилди. Таъкидланишича, ҳозирда Афғонистонда АҚШнинг 3,5 минг ва бошқа давлатларнинг 7 мингга яқин харбийси бор.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

ҚОРА БУЛУТЛАР ИЧИДА ЯШАГАН АКАДЕМИК

Тарих қатларида не-не синаотлар яширин. Кўнглини ҳушнудлик насимлари ила севинтирадиганидан кўра ҳолингизни забун айлаб, юрагингизда чумоли ўрмалатадигани нечүкдир кўпроқ. Балки инсон тафаккури мана шундай курашларда эвриллар... Аммо "ботиқ хотираларнинг узоклашгани сайин тиниқлаша бориши" кўнглига таскин беради. Ҳақиқат барибир юзага қалқиб чиқади. Елғиз юпанч шүки, тарихни ҳеч ким ўзгартиролмайди, ҳатто уни қайта ёзиб, ўзгартирмоқчи бўлганларнинг ҳам алал-оқибат қўлидан ҳеч иш келмайди.

Ўзбекининг бир олими бор эди: собиқ иттифок даврида, сергалва, доғули замонда яшаган, Анишчев бошлиқ десантчиларга, Глян, Иванов бошлиқ катагончиларга қарши очик кураш очган, ўшандай оғир кунларда мактанчоқ қаҳрамонларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб, пана-паналарда беркиниб ётган бир пайтда миллатимизнинг кадр-киммати, ору номуси, тили ва маданиятини химоя қилган, мустақиллик, шу Ватан равнақи учун астойдил бел боғлаган. Охир-оқибат, "Ўзим мустақиллиги учун жон фидо қилиб курашган республикада, манфаатларини ҳамма ерда химоя қилган миллатимиз олдида гуноҳкор кишидек бўлиб қолдим", дея ўқисик хотиралар ичида яшаб ўтди.

чикиб ташланди. Қизиги шундаки, бўшаган хонага саккиз ой мобайнида зог ҳам қирмади. Сўнг Тарих институтига катта илмий ходим лавозимига тайинланди. "Билим" жамиятига бошчилик қилди, у туғатилган, ўрнини босган Зиеллар уюшмасининг президенти этиб сайланди. Иш бошланганига бир ой ўтар-ўтмас, уюшманинг фаолиятини текшириш учун кетма-кет комиссиялар кела бошлади. "Уша йилларда агар бирор одам раҳбариятта ёқмай қолса, кетма-кет текширувлар ўтказиб, уни ҳолдан тойдирар, ўзи ариза бериб ишдан кетишига мажбур қиларди. Агар бунга тушунмаса, бирор айб топиб бўйинга қўйиб ва кейин шарманда қилиб ишдан ҳайдаб юборишар эди. Ёқмай қолган одамлардан кутулишининг бу йўли ҳаммага аён бўлиб қолган эди", дея хотирлайди олим ўзининг "Еркин хотиралар" асариди.

Ҳақиқат ва адолатнинг этагини тутганлар "қора рўйхат"га тушиб, илоҳи борича ҳукумат ишларига аралаштирилмайдиган, четга суриладиган замонлар келди. Аҳвол шу даражага етдики, Эркин Юсуповнинг мақолаларини босишга газета-журналлар раҳбарлари журъат етмай қолди. Шунда ҳам тинч турмаган олим айрим мақолаларини Юсуп Эркинбоев имзоси билан чоп этишга муваффақ бўлди. Жумладан, "Мустақиллик шабадалари" номи монографиясининг бир дона нишона сони ҳам йўқ қилиб юборилди. Олим "қора рўйхат"га нима учун тушиб қолганини ўзи ҳам билмай, жавоб тополмай қўп ҳайрон эди.

Эркин Юсуповнинг ҳар маърузаси фалвирдан ўтар, ҳуқуқматдан четлатишга ҳар қанча уринмасинлар, ҳалқ кучоқ очиб кутиб олишлари кимларгадир ёқмасди. Олим бошига тушаётган ҳар бир синаовдан маълум ҳаётий хулосаларга келган. Хусусан, "Инсон раҳбарларнинг назаридан қолса ҳам, элнинг назаридан қолмаслиги керак. Раҳбарлар келиб кет-

таверади, ҳалқ эса доим қолади. Ҳаётда ҳалқ ўртасида обрў-этиборли бўлиш раҳбарларнинг кўнглига ёқшдан кўра оғирроқдир", дейди ёзмаларида у.

Зиеллар уюшмаси биносини шахар ҳокимияти олиб қўйган, бутун бошли ташкилот 4 та хонага жойлаштирилди. Сиқув, таъна-дашномлар ишлаш учун имкон қолдирмади олимда. Ниҳоят, жамият президенти лавозимидан ўз хоҳиши билан кетди. Давлат тасарруфидида бўлмаган Ҳалқро иқтисодий алоқалар институти ва Тошкент давлат университетидида дарс бера бошлади. Маълум муддат ўтган, бу жойлардан ҳам қувилди. Шундан сўнг яна турли вазифалар, турли жойларда ишлади. Бир ерда узок қолмади.

Тарихлик чоғи эъзозланмаган, қадрига етилмаган олимнинг 50, 60 йиллик юбилейлари ўтказилмади, биров билиб, биров билмай ҳам қолди. 1994 йилнинг баҳоридида унинг кўксини ҳам ҳузурбахш шабадалар сийпай бошлади. Фалсафа жамияти президенти С.Шермухамедов бошчилигида 50-60 киши тўпланиб, Эркин Юсуповнинг 65 йиллик таваллуд айёмини нишонладилар.

Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази раҳбари этиб тайинланган эса яна олимни республика илмий ҳаётидан четга суриб қўйиш учун ҳаракатлар, марказ фаолиятига тўсиқлар қўйила бошлади. Охир-оқибат, 66 ёшида соғлиги ёмонлашгани важи билан ишдан бўшаб қутулди. Бу ҳақда Э.Юсуповнинг ўзи шундай ёзади: "Бундан буюн кафедрада ишлаб тинч илмий ишлар билан шуғулланишга қарор қилдим. Ҳар ҳолда олимдан мансаб эмас, балки ёзган асарлари қолади". Эркин Юсупов инсон сифатида зиёлиларнинг тарқоқлиги, уюшмаганлиги, хиёнат, мансабпарастлик, илмсизлик каби иллатларни қаттиқ қораллаган, улар ҳақида бот-бот гапирган, қунон-қунон гапирган: "Инсоният тарихида жуда қўп иллатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган бир касаллик борки, у бор жойда хиёнат, кибр, риё устунлик қилади. Бу мансабпарастликдир. Бу касалликка мубтало бўлган қўллаб муттаҳамлар бугун ўзига



Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг.
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан,
Уни тиригида бир соат йўқланг.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

раҳбарлиги остида 8 олим фан доктори, 73 аспирант ва тадқиқотчи фан номзодлари илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаганлар. Ҳозир улар Ўзбекистонда ва турли давлатларда хизмат қилишмоқда. Пойтахтда ашаб, ўша ерда илм уммониға шўнғиган ғаввос асли Фарғонадан. Олимнинг қариндош-уруғлари, яқинлари ҳануз у билан фарғонада, уни дуоларида ёд этишади.

"Фарғона водийси, Қува, Қайрағоч қишлоғи – тоғам академик Эркин Юсуповнинг киндик қони тўкилган жой. Улар қўйин болалик, машаққатли меҳнат тўла ўспиринлик, йиғитлик, талабалиқ даврлари, қолаверса, илмий-сиёсий фаолиятларида турли синаовларни бошдан кечирганликларига қарамай, доимо олдинга, эзгу мақсад сари интилгани, бунинг натижасида дунё тан олган илм аҳли қаторидан муносиб ўрин олгани уларнинг фарзандлари, биз қариндошлар, шоғирдлари ва уларни билган, кўрган барча инсонлар учун ғурур, фахр туйғусини жўш урдиради. Тоғамнинг олти нафар фарзанди бўлиб, тўнғич фарзанд Тўлқин акам ва Мавжуда кенойим фарзандлари ва набиралари билан ҳозирда уларнинг чироқларини ёқиб ўтиришибди. Тўлқин акада отасининг оқибатлиги, оилага садоқати ва фарзандларга жонқуярлиғи кўрсак, келиндоимда қайнонасининг хушмуомалалиғи, меҳнатқашлиғи, пазандаллиғи, покиза, саранжом-саришталлиғи кўрамин. Илоҳим, тоғамнинг охиратлари обод, қолдирган илмий мерослари илм аҳлига манфаатли бўлсин", – дея хотирлайди Эркин Юсуповнинг жияни, Фарғона давлат университети ўқитувчиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Манзураҳон Абдураҳмонова.

Эркин Юсупов қамтар, олимпиабо, ҳазил-мутбойиши хуш кўрувчи инсон бўлган. Ёшлиғидан турли заҳматлар чекиб улғайган олимни ҳаёт кучли, бардошли, ирода-матонатли этиб тарбиялади. Бироқ газета-журналларда унга қарши босилган мақолалар, ғаламси кимсаларнинг фитна-найранглари, адолатсизлик, шоғирдлар, ақиллар хиёнати, кадрсизлик буюк ирода эгасига ҳам таъсир қўрсатмади қолмади. Қон босими тез-тез ошадиган бўлди. Ҳаётининг сўнги йилларида бир ҳақиқатқа иқроор бўлди: "Мустақиллик учун курашиб, ўзбек миллатининг вакили сифатида ҳалол меҳнат қилиб,

қанча машаққатлар билан эришган академиклик даражам ва салоҳиятим билан жамият, мустақил Ўзбекистон учун мени кераксиз қилиб қўйётган кучга қарши чиқишга ҳам маънан, ҳам руҳан қучисиланиб бораётганимни сезар эдим. Бу ҳақиқатнинг юзага чиқиши учун вақт энг холис ҳақам эканлигини, бу даврлар, албатта, келишини билардим ва бу масалани давр ихтиёрига қолдирдим".

Халқимизнинг атоқли ёзувчиси Ўткир Ҳошимов асарларининг биридида хўб топиб айтган: "Истеъдодилар ҳадеганда қовуша қолмайди. Улар юлдузга ўхшайди. Ҳар бир юлдузнинг ўз меҳвари бўлади. Юлдузлар бир-бирини инкор этмайди. Аммо бир-бирининг меҳварига қирмайди ҳам. Истеъдодсизлар эса бир замбил шағалдек гап. Дарров тўдалашади. Тўда бўлиб жим ётса-ку, майли. Барака тоғурлар истеъдодиларга тош отавериб безор қилгани чатоқ..."

Модомики талантсизлар ёвз унияда бир-бири билан тил топишар экан, талантиллар ҳам яхши ниятда бирлашмоғи керак".

Ҳақиқат, мақсади-ю маслағи фақатгина илм-фан, эзгулик бўлган бу инсон қисмати ҳар бир виждонли одамни ўйга толдиради. Нега шундай, нега яхши одамларга кун беришмади? Қўйи нимада? Билими, юксак салоҳиятидади? Бир умр қора булутлар ичида яшаган олим тақдирини мени афсусчи адолатсизликлар ичра ўтди. Аммо унинг номин, қилган эзгу амалларини ҳеч ким чипкака чиқара олмади. Тақдирнинг қўп фирром синаовларига босиқлик ва мардлик билан жавоб қайтарди у.

Ҳаёт бўлганида бу йил 92 баҳорини қаршилайдиган Эркин Юсуповнинг халқимиз олдидаги хизматлари ёнида бу хотира-мақола игна учидек жуда кичик ва арзимасдир. Бироқ бошига иш тушганида жим турган авлод учун тарих адолати, бу исми балки зшитмаган ёш, навқирон авлод учун эса ибрат, сабоқ мактаби бўлса ажаб эмас...

Севара АЛИЖОНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

«HURRIYAT» газетасининг 2021 йил 14 апрелдаги 16-сонидан олинди.

9 май – Хотира ва кадрлар куни

ПОРТ-АРТУРГА БАЙРОҚ ТИККАН ОЛТИАРИҚЛИК ҚАҲРАМОН



1942 йилнинг серҳосил қузи – пахта йиғим-терими авжига чиқётган пайт эди. Далада мажолсиз оналар, паршонхотир келинчақлар, меҳнатда чарчаган норасида болаларни қўриб эзилса-да, Эскираб қишлоғининг киприклари сув ўтидек узун-узун қизларига арида очиб келадиган нонбехиларни тўтиб бериб, патила сакларидан тортиб қийнайдиган ошқ болага урушга қақирув қоғози келди.



Саткак қишлоғида бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотларига киришди. Падари бузуқворни кунда кунора укаси Сотқинбойи оқсига опичлаб, қорни нонга тўймайдиган сингиллари Турдихон ва Тўхтахонови эргаштириб, ўғлини кўргани келди. Ҳомиджон отасининг ажин босган юзини меҳр билан сийлади, очликдан силласи кўриган сингилларининг мунгли кўзига қараб, юраги эзилди. Имконсизлигидан унсиз йиғлайди, ҳарбий қисмда берилган егуликларни сингилларига иллинади. Маълум муддатдан сўнг жанговар тайёргарлик Қозғонистонга кўчирилди. Тақдир шамоли оловли йўлларга улуктираётган йиғитлар рўйхат бўйича қирқта вагонга жойлаштирилди. Зобитларга турли егулик ва нон берилётганини қўриб, Ҳомиджон кузатувчи раҳбарлардан нон сўради. Мақсади нонни ўзини кузатишга келган оила аъзоларига

бериш эди. — Онанга айтсанг, сафар халтанга майис, туршак, зогора нон солиб беради, — дея масъуллардан бири унга таскин-тасалии берди. — Биздаги егуликлар фақат зобитлар учун ажратилган, холос. Қий-чув, йиғи-сиги билан поезд оғир хўрсингандек, жойидан кўзгалди. Болалиғидан китобга меҳр қўйган Ҳомиджон яхши кўрган шеърини пичирлаб хирғойи қилди:

**Оқар-оқар сувларим, хайр энди,
Сайраган қуш-булбуллар, хайр энди,
Сўлим-сўлим боғларим, хайр энди,
Онажоним, ота юртим, хайр энди...**

Ҳомиджон поезд вокзалдан узоклашиб борар экан, қўл силкани, вагонлар ортидан югурган, хушсиз йиқилган одамлар ичидан қадрдон чехраларни кўздан қочирмасликка ҳаракат қиларди. Уша лаҳзаларда яқинларининг қиёфаси қақлибди бир умрга муҳрланиб қолди. Қозғонистондаги тайёргарликлар жараёнида уйдан келган хатда отаси Узаганбой ақани ҳам меҳнат фронтига олиб кетишганини ёзишибди. Бу шумҳар Ҳомиджоннинг бошига биров бир челақ совуқ сув қуйгандек таъсир қилди. Муштипар онаси, йиғлоқи сингиллари, мурғак уқасининг тиркичилиғи энди қандай ўтади?!

Дахшатли уруш ҳали бир сулув сочини силамаган йиғитларни аждаҳдек аёвсиз ўз домига торта бошлади. Ҳомиджон бир неча куннинг ичида қариди. Қурол-яроғ етишмай, уч киши навбати билан битта қуролни ишлатади. Душманни ваҳимага солиш мақсадида аскарларга ёноч қуроллар берилди. Рус тилига тили келиша бошлаган Ҳомиджонни пулемётчиликка ўтказишди, лекин 45-50 килоли бу қуролни еталаб юришининг ўзи бўлмайди. Ён-атрофидида ярадорларнинг бақир-чақир, хандақлар тўла ўликлар, баъзан ҳафталаб оч қолиб, балчиқ босган қўлмак сув ичиси, дарахларнинг илдизини ейиш азоби...

метмаслик бўйича ваъдалашиб олишган эди. Шу тариха ўзбек жангчилари доимо бир-бирини кузатиб юриб, бир-бирига ёрдан қўлини чўзиб, омон қолишди.

— Ленинградда қамалда қолган одамлар очликдан силласи қуриб, хатто сичқон, каламушларни ҳам еётган экан, дея бир-биримизга далда берарим, — дейди отахон. — Улган одамларни вабо тарқалмаслиғи учун эзулик билан уюм-уюм қилиб кўмиб юборишгаётгани ҳақидаги хабарлар ҳар қандай бағритиш одамани ҳам йиғлатар эди.

Ҳомиджон Узаганов урушида Россия, Украина, Белоруссиянинг барча ҳудудларини фашизмдан озод қилишда қатнашди, шу билан бирга 6 та қўшни давлат ҳудудидида жанг қилиб, ғалабани Берлинда кутиб олди. Кейин Япония билан уруш бошланиб, у собик иттифок армияси сафидида Узок Шарққа сафарбар этилди.

Бу урушда ҳамқишлоғи Мадолми Тошпўлатов билан қўришиб қолишгани унутилмас воқеа бўлган.

— Уқ овозлари тўхтаб, нафас ростлаётган пайтимиз ёнимизда дам олаётган танқичлардан бири кўзимга иссиқ кўринди, — дейди уруш фахрийси. — Синчиклаб разм солиб, таниб қолдим.

— Мадолми!
— Ҳомиджон!

Бир-бири билан қучоқлашиб қўришган ҳамқишлоқлар уйдағиларининг тинч-омонлигини сўраб, Эскирабдаги охириги янгиликлар ҳақида ахборот алмашиди. Агар тирик қолиш насиб этса, урушдан сўнг қиёматли дўст туғунушга келишиб хайрлашишди. Ҳақиқатан ҳам кейинчалик икков-икков қадрдон бўлиб, бир умр битта маҳаллада яшаб насиб этди.

Ҳомиджон Узагановнинг хотирлашишча, японлар ўша вақтда ҳам химоя никоби тақиб юришган. Эғлиб, тавозе билан саломлашилари ўзбек халқининг қўришиш одобига ўхшаб кетарди. Кўча ёки автобусда осибели аскарларни кўрганида японлар ўзгача ҳурмат қўрсатишга одатланган эди.

— Порт-Артурда ғалабанинг шарафига юрт байроғини тикканимда йиғирма ёшда эдим, — дея эслайди аср билан юзлашаётган ота. — Урушдан кейин ҳам ҳарбий хизматини давом эттириб, 1949 йили уйга қайтдим.

Уруш йиллари Тўхтахонови сингилни хат ёзиб турарди. "Эскирабдан соғинчли салом. Хатим суюкли акажонимга тезда етиб бориб маълум

бўлинки...", дея бошланувчи мактублардаги "Биздан хавотир олманг. Биз тинчимиз, яхши ашяепмиз", деган жумлалар ёд бўлиб кетарди. Бўш вақтимда хатни қайта-қайта ўқиб, худди уйдағилар билан суҳбатлашгандек, ўзим билан ўзим гаплашардим. Етти йилдан сўнг қўкси тўла орден-медаллар билан ота уйига қайтган аскар ақинлари ҳаёти синглиси ёзганидек яхши эмаслигини кўрди. Япониядан олиб келган жомадони, янги этиги эвазига жўҳори ва кепак ун сотиб олиб келди-кетдини кузатди.

Ҳарбий тайёргарлик жараёнида ҳайдовчиликка ўқигани асқатиб, қишлоқда биринчи бўлиб юк машинасини ҳайдай бошлади. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи сингир гигант қорхоналар қурилиши, каналлар қазиб, янги шахарчалар барпо этиш ишларида қатнашди. Қирқ йил ҳайдовчилик қилган бўлса, нафақага чиққанига ҳам кирқ йил бўлди.

Раҳматли турмуш ўртоғи Умида ая Узаганова билан икки қиз, уч ўғлини тарбиялади.

— Уруш фахрийларига қўрсатилётган меҳр-эйтибор учун Президентимизга минг раҳмат, — дейди қаҳрамонимиз мамнун бўлиб. — 2017 йили кенжа оти Салимжон билан ҳаж зиёратига бориб келдим. 9 майда пойтахтда ўтган тадбирларда давлатимиз раҳбари билан қўришиб, эсдалик учун суратга тушдик. Байрамлардагина эмас, ҳар қуни уйимизда меҳмон. Уруш йиллари, мустақиллик замонидида олган орден-медалларим тарихи ҳақида бирда қувончли, бирда қайғули хикоялар айтиб бераман. Бу йилги Хотира ва кадрлар кунини ҳам барчан қуролдошлар иштирок билан қутялтиш.

Ҳомиджон ота жуда ҳам китобхон, газета-журналлар ўқийди, телевизордаги ахш қўрсатувларни қолдирмай кўради. Баъзан шундай дорилоним замонда одам ўлдирётган қотил ҳамюртларимиз ҳақидаги қўрсатувларни кўриб, ҳафталаб ухлай олмади. Авваллари одамлар нон деб ўлган, бугунги тинч-осойишта даврда нега арзимас сабаблар тўфайли бир-бирининг умрига зомин бўлгунга? — деган саволга жавоб тополмай қийналади.

Олтиариқ туманининг «Қўрғонча» МФЙ, Гузар қўчасидаги 13-уйда ҳеч қачон чироқ қўймайди. Қишлоқнинг энг нуруний инсонини сифатида маслаҳат сўраб келувчиларнинг ниҳояси йўқ. Яқингача ҳам узумга, томорқа юмушларига ўзи бош-қош бўладиган отахон бугун набираларига ҳаётли тажрибаларини ўргатишда эринмайди. Нафақа пулини талаба набираларига тарқатади.

Етти пушти яшаб ўтган табаррук хонадоннинг ҳар бир гиёҳи, гишти унга шу қадар азиз, қадридлир. Уйдан ташқарида уч қундан ортиқ қоллоқлари. Онасига ичккан боладек уйига шо-шिलाди.

Ота юртга меҳр деганлари шу бўлса керак-да!..

Ботир МАДИЁРОВ.

<p>МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati» MChJ</p>	<p>Бош муҳаррир: Муҳаммадҷон ОБИДОВ</p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон қўчаси, 236-«б» уй.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p>
	<p>Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Газета тахририятига юборилган кўлэзма ва суратлар қайтарилмайди.</p>	<p>Босишга топшириш вақти: 19.00. Топшириш вақти: 19.00.</p>	<p>Буортма: _____ Индекс: 7521 Адади: 9 606</p>

